

ИЛМИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

“ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ”



9-БОБ: БАҲО

9.1 Кириш

“Баҳо” деганда мазкур бобда инсоннинг тилдан фойдаланиш борасидаги кўникмаларини баҳолаш тушунилади. Мавжуд тестларнинг барчаси баҳолашнинг муайян шакли ҳисобланади, бироқ тестга мансуб бўлмаган бошқа кўплаб шакллар ҳам мавжуд (масалан, назорат варақалари, ўқитувчининг норасмий кузатувлари). “Баҳолаш” тушунчаси “баҳо”дан кўра кенгроқ маънога эга. Барча баҳолар – баҳолаш шакллари дир, аммо тилга оид дастурда ўрганилаётган тилни билиш эмас, балки бошқа бир қанча жиҳатлар, масалан, аниқ услуб ва материалларнинг самараси, дискурснинг тури ва муваффақиятлилиги, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорликнинг муваффақияти, таълимнинг самарадорлиги ва бошқалар баҳоланади. Мазкур бобда кенг маънодаги баҳолаш ҳақида эмас, балки айнан баҳо хусусида сўз боради.

Баҳо масалалари муҳокамасида анъанавий тарзда асосий ўрин тутадиган учта тушунча мавжуд, булар: валидлик, ишончлилик, амалга оширилилик. Мазкур бобда ушбу атамаларнинг маъноси ёритилади, уларнинг бир-бирига қандай боғланганлиги аниқланади, улар умумқабул қилинган даражалар шкаласига қанчалик мос келади, деган саволларга жавоб берилади.

Валидлик – “Компетенциялар”да кўриб чиқиладиган концептуал тушунча. Агар тест ва баҳолаш материаллари (ўзининг бутун мазмуни билан) ўзлари баҳолаши керак бўлган жиҳатни баҳоласа, ҳамда мазкур баҳо натижалари тест топширувчиларнинг тил билиш даражасини аниқ кўрсатиб берса, уларни валидли дейиш мумкин бўлади.

Ишончлилик, аксинча, техник атама ҳисобланади. У бир хил даражадаги ўқувчиларда икки хил алоҳида ҳолатда (реал ва моделлаштирилган) баҳо бўйича бир хил тадбир ўтказилганда олинган натижаларнинг мос келиш даражасини билдиради.

Баҳо натижаларини аниқлашда ишончлиликдан ҳам кўра кўпроқ аниқлик муҳим аҳамият касб этади. Агар баҳо натижаси сифатида “Ўтди/Ўтмади” каби хулосалар берилса, ёхуд – даражалар A2+/B1/B1+ тарзида аниқланса, ушбу хулосаларни қанчалик аниқ дейиш мумкин? Мазкур хулосаларнинг аниқлиги вазиятни аниқлаш бўйича стандартнинг (масалан, B1 даража) валидлигига боғлиқ бўлади.

Агар турли хилдаги иккита ташкилот, ёки иккита ҳудуд бир хил кўникмаларга баҳо бериш учун бир хил стандартга мос келадиган мезонлардан фойдаланса, ҳамда мазкур стандартларнинг ўзи ҳам валидлик бўлиб, вазиятларга мос келса, шунингдек, стандартлардан баҳолаш вазифаларини ишлаб чиқиш ва бевосита ушбу вазифалар бажарилишини баҳолашда босқичма-босқич фойдаланилса, мазкур иккита тизимнинг натижалари ўзаро мос келади. Анъанага кўра, бир хил вазиятни баҳолашга қаратилган иккита тест натижалари “мос келувчи валидлик” деб аталади. Мазкур тушунча, ўз-ўзидан ишончлилик билан боғлиқ, чунки ишончсиз тестлар ўзаро мос келмайди.

Кейинги бўлим “Компетенциялар”дан фойдаланишнинг учта асосий усулига бағишланган:

1. Тест ва имтиҳонлар мазмунини аниқлаштириш учун:

Нима баҳоланмоқда?

2. Ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини аниқловчи мезонларни белгилаш учун:

Вазифаларнинг бажарилиши қандай баҳоланмоқда?

3. Мавжуд тест ва имтиҳонлар ёрдамида тил билиш даражасини таърифлаш ҳамда шу орқали турли малака тизимлари ёрдамида олинган натижаларни солиштириш учун:

Қандай қилиб солиштириш мумкин?

Баҳонинг ҳар хил турларида ушбу муаммолар турлича талқин этилади. Баҳолашнинг кўплаб тур ва анъаналари мавжуд. Бирор-бир тур (масалан, оммавий имтиҳон) бошқа турдан (масалан, ўқитувчи баҳосидан) сўзсиз устун туради, деб ўйлаш хато. “Компетенциялар”нинг афзаллиги шундаки, у баҳонинг ҳар хил шакллари солиштириш имкониятини беради.

Мазкур бобнинг учинчи бўлимида баҳонинг ҳар хил турларини танлаш имконияти тавсифлаб берилган. Эҳтимолий муқобил вариантлар қарама-қарши жуфтликлар шаклида тақдим этилган. Ҳар бир ҳолатда қўлланилган

атамаларга таъриф берилади ва муайян таълим контекстида баҳо мақсадлари нуқтаи назаридан ҳар бир турнинг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинади. У ёки бу муқобилдан фойдаланиш учун асос келтирилади. Сўнгра баҳонинг ушбу тури учун “Компетенциялар”нинг релевантлиги очиб берилади.

Баҳо жараёни амалда қўлланиладиган бўлиши керак. Нутқий фаолиятни баҳолашда, айниқса, амалда қўлланиладиган бўлишлик жуда муҳимдир. Баҳоловчиларда вақт чекланган бўлади. Улар фақатгина нутқий фаолиятнинг кичик бир бўлагини кўрадилар, айни пайтда мезон сифатида қўлланилиши мумкин бўлган тоифа ва унинг турлари сони ҳам чекланган бўлади. “Компетенциялар”да шартли даражаларнинг белгиларини ўрнатишга ҳаракат қилинган, аммо монографиянинг ўзи баҳо воситаси эмас. “Компетенциялар” кенг қамровли, аммо ундан фойдаланувчилар уни танлаб қўллашлари керак. Танлаш деганда, “Компетенциялар”да алоҳида кўриб чиқилган тоифалар сонини қисқартирадиган нисбатан оддий операция тизими тушунилади.

9.2 Даражалар тизими баҳо воситаси сифатида

9.2.1 Тест ва имтиҳонлар мазмунини белгилаш

“Тилдан фойдаланиш ва тилдан фойдаланувчи” деб номланган боб мазмунидан, жумладан, “Коммуникация фаолияти турлари” деб номланган 4.4-бўлимдан мулоқотни баҳолаш учун вазифаларни белгилашда маълумотнома материаллари сифатида фойдаланиш мумкин. Тан олиш керакки, валидли тест ўтказиш дискурсларнинг бир қанча тегишли турларини танлаб олишни талаб қилади. Хусусан, “Компетенциялар”да коммуникация фаолиятининг қуйидаги тоифалари қўлланилади:

Интеракция, ўзаро муносабат

Яратиш (беихтиёр қисқа жумлалар алмашинуви)
(тайёрланган узун жумлалар)

Оғзаки

Суҳбат Ўз ўқув фаолиятини таърифлаш

Норасмий мунозара

Мақсадли ўзаро муносабат

Ёзма:

Маъруза/ Ўз ўқув фаолиятини таърифлаш

Деталларни ва вазифаларни аниқлаштириш учун фойдаланувчи 4.1, 4.6 бўлимлардаги ҳамда 7-боб ва унинг 7.3 бўлимидаги маълумотларга мурожаат этиши мумкин.

“Коммуникатив тилга оид компетенция” деб номланган 5.2 бўлим лингвистик, ижтимоий-лингвистик ва прагматик компетенцияларни текшириш мақсадида матн, ёки оғзаки матннинг жумлаларини тузиш тўғрисида маълумот беради. Европа Кенгаши томонидан 20дан ортиқ Европа мамлакатлари учун чиқарилган Бошланғич даража мазмунининг баёни, ҳамда инглиз тили учун Бошланғичгача бўлган ва Бошланғич ривожланган даража ва бошқа тиллар ва даражалар учун ишлаб чиқилган уларнинг эквиваленти “Компетенциялар”нинг бош хужжатиغا қўшимча ҳисобланади. Улардан А1, А2, В1 ва В2 даражалар учун тест тузиш бўйича батафсил маълумот олиш мумкин.

9.2.2 Ўқув мақсадига эришиш мезонлари

Даражалар шкалалари муайян ўқув мақсадига эришилганлигини аниқлашга қаратилган баҳо шкалаларини тузиш учун манба ҳисобланади. “Компетенциялар”да тавсия этилган даражалардан бирида (масалан, В1) тилни ўзлаштиришда ана шундай мақсад бўлиши мумкин. “Таълим мақсадларига турли хил ёндашув” деб номланган 6.1.4 бўлимда тақдим этилган муайян фаолият, кўникма ва компетенциялар тўплами ҳам мақсад бўлиши мумкин.

Дескрипторлардан фойдаланиш ҳақида гап кетганда, қуйидагилар ўртасидаги фарқни англаб етиш керак:

1. 4-бобда тақдим этилган коммуникация фаолияти дескрипторлари;
2. 5-бобда келтирилган муайян компетенцияларга тааллуқли тил билиш жиҳатлари дескрипторлари.

Уларнинг биринчисидан аниқ вазифаларни бажаришда – ўқитувчи томонидан баҳо қўйиш ёки ўз-ўзини баҳолашда фойдаланиш мумкин. Баҳоларнинг бундай тури фаолиятли ёндашувни талаб этиши боис ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам қизиқарли бўлиши мумкин.

9.2.2.1. Коммуникация фаолиятини таърифлаш учун дескрипторлар

Вазифадан келиб чиқиб айтилса, коммуникация фаолияти дескрипторларидан фойдаланишнинг учта усули мавжуд (4-боб).

1. **Тузиш:** юқорида 9.2.1 бўлимда кўриб ўтилганидек, коммуникация фаолияти турлари бўйича шкалалар баҳолаш учун вазифаларни ишлаб чиқиш ва тузишда ёрдам бериши мумкин.

2. **Натижалар тўғрисидаги хабар:** коммуникация фаолияти турлари бўйича шкалалар, шунингдек, натижаларни хабар қилишда ҳам қўлланилиши мумкин.

3. **Ўз-ўзини баҳолаш ёки ўқитувчи баҳоси:** коммуникация фаолияти турлари бўйича дескрипторлар куйида баён этилган ҳар хил турдаги ўз-ўзини баҳолашда ва ўқитувчи баҳосида қўлланилиши мумкин:

- **Назорат варақалари:** курс охирида оралик ёки якуний баҳо қўйиш учун. Бирор-бир даражага оид дескрипторлар санаб ўтилади. Муқобил сифатида дескрипторлар кенгрок шаклда ҳам берилиши мумкин.

- **Жадвал:** оралик ва якуний баҳо учун қўланилади. Бунда рейтинг параметрлари турли даражалар учун (B1+, B2, B2+) танланган тоифалар сеткасига жойлаштирилади (масалан, сўзлашув, мунозара, маълумот алмашинув).

Дескрипторлардан айнан мана шундай шаклда фойдаланиш сўнгги ўн йиллар ичида оммалашди. Агар дескрипторлар ўқувчи НИМА қила олишинигина эмас, балки у буни ҚАНЧАЛИК ЯХШИ бажараётганини ҳам кўрсатиб берса, ўқитувчи ва ўқувчилар дескрипторларга тез-тез мурожаат этишлари тажрибалардан маълум бўлди.

9.2.2.2. Муайян компетенциялар билан боғланган тил билиш жиҳатлари дескрипторлари

Қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб, тил билиш жиҳатлари дескрипторларидан фойдаланишнинг иккита асосий усули мавжуд.

1. **Ўз-ўзини баҳолаш ёки ўқитувчи баҳоси:** агар дескрипторлар ижобий, объектив бўлса, улар ўз-ўзини баҳолаш ёки ўқитувчи баҳоси учун сўров варақаларига киритилиши мумкин. Аммо, мавжуд кўплаб шкалаларнинг ожиз томони шундаки, бошланғич даражаларнинг дескрипторлари аксарият ҳолларда салбий таърифга/хусусиятга эга бўлса, ўрта даражаларнинг дескрипторлари меъёрга йўналтирилган бўлади.

2. **Нутқий фаолият баҳоси:** Компетенциянинг турли жиҳатлари дескрипторлари бўлган шкалаларни қўллаш 5-бобда келтириб ўтилган. Тарқоқ шахсий таассуротларни ўйланган фикрларга айлантирар экан, ушбу дескрипторлар баҳоловчилар гуруҳи учун ҳисоблашнинг умумий тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Баҳо мезони сифатида дескрипторлардан фойдаланишнинг учта асосий усули мавжуд:

- Биринчидан, дескрипторлар шахсий тоифалар дескрипторларини тегишли даражани таърифловчи битта ягона параграфга бирлаштирувчи шкала шаклида берилиши мумкин.

- Иккинчидан, улар назорат варақалари шаклида ҳам тақдим этилиши мумкин. Одатда, ҳар бир даражага битта назорат варақаси мос келади, бунда аксарият ҳолларда дескрипторлар рукнлар, яъни тоифалар бўйича гуруҳланади. Назорат варақалари бевосита баҳо учун камдан-кам қўлланилади.

- Учинчидан, улар танлаб олинган тоифалар жадвали, яъни алоҳида тоифаларнинг параллел шкалалари шаклида тақдим этилиши мумкин. Бунда баҳоловчилар чекланган миқдордаги тоифалар билан ишлашларига тўғри келади.

Ост шкалалар жадвалини ишлаб чиқишда иккита сезиларли даражада фарқланувчи ёндашув мавжуд:

- *Тил билиш шкаласи* тоифалар бўйича тегишли даражаларни белгилаб берувчи параметрлар сеткасини, масалан, А2 даражадан В2 даражагача тақдим этади. Бу ҳолатда баҳо мазкур даражалар доирасида қўйилади. Масалан, агар тест В1 даража бўйича тил билиш даражасини аниқлашга мўлжалланган бўлса ҳамда унинг натижаси бўйича ўқувчилардан ҳеч ким В2 даражага чиқа олмаса, нисбатан кучлироқ ўқувчиларни В1+, В1++ ёки В1,8 шкаласида баҳолаш мумкин бўлади.

- *Баҳонинг имтиҳон шкаласи* ҳар бир тегишли тоифа учун шундай дескрипторни танлайди ёки ажратиб берадики, у ушбу тоифа бўйича модул ёки имтиҳоннинг ўтиш бали ёки меъёрини белгилаб беради. Бу ҳолатда ушбу дескриптор “қониқарли” белгисини олади, шкала эса ушбу меъёрда тўхтайди (жуда кучсиз натижа – “1”, аъло баҳо – “5”).

9.2.3. Солиштириш мақсадида тил билиш даражаларини тест ва имтиҳонлар воситасида баён этиш

Даражаларнинг умумқабул қилинган маълумотли шкалалари тил билиш бўйича эришилган даражани таърифлашни осонлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Баҳо усуллари бағишланган тадқиқотларда тарқоқ ҳолдаги баҳоларни умумлаштиришнинг бешта усули тавсия этилади, булар: (1) тенглаштириш; (2) даражалаш; (3) статистик тартибга солиш; (4) даражани ўрнатиш; (5) ижтимоий тартибга солиш.

Мазкур услубларнинг дастлабки учтаси анъанавий ҳисобланади: (1) битта тестнинг муқобил версияларини тақдим этиш (тенглаштириш); (2) турли тестлар натижаларини битта шкалада акс эттириш (даражалаш); (3) тестларнинг мураккабилги ва имтиҳон олувчиларнинг қаттиққўллигига тузатиш киритиш (статистик тартибга солиш).

Кейинги иккита услуб эса мунозара (ижтимоий тартибга солиш) ва ишлар намуналарини стандартлаштирилган таърифлар ва мисоллар билан солиштириш (даражани ўрнатиш) орқали умумий тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади.

“Компетенциялар”да Европада тил ўргатиш борасида мавжуд биринчи ва асосий муаммони ҳал этишга уринишни кўришимиз мумкин. 4–7 бобларда тил ўрганиш ва ўргатиш, мулоқот қобилиятини рвиожлантириш каби масалалар қамраб олинган.

Дескрипторлар шкалалари концептуал жадвал (сетка) ҳосил қилади ва у қуйидаги мақсадларда қўлланилиши мумкин:

- а) миллий шкала ва ўқув муассасаси шкаласини “Компетенциялар”да берилган умумқабул қилинган шкалалар воситасида солиштириш учун;
- б) муайян имтиҳонларнинг ва ўқув курслари бўлимларининг мақсадларини белгилаш учун.

А Иловада ўқувчиларга дескрипторлар шкалаларини ишлаб чиқиш услублари таҳлили ва уларнинг “Компетенциялар” билан нисбати тақдим этилган.

9.3 Баҳо турлари

Баҳонинг бир қанча муҳим ўзига хосликлари мавжуд. Қуйида келтирилган рўйхат, шу маънода тўлақонли ва якуний эмас. Атаманинг тавсифлар рўйхатидаги ўрни (ўнг ёки чап томондалиги) аҳамиятга эга эмас.

7-жадвал. Баҳо турлари

Ўзлаштириш баҳоси	Билиш баҳоси
Меъёрлар билан нисбати (МРН)	Мезонлар билан нисбати (МНН)
Ўзлаштириш баҳоси, мезонлар билан нисбати	Спектр-баҳо
Оралиқ баҳо	Яқуний баҳо
Форматив баҳо	Жами баҳо
Бевосита баҳо	Билвосита баҳо
Нутқий хатти-ҳаракат баҳоси	Лингвистик компетенция баҳоси
Субъектив баҳо	Объектив баҳо
Ўз-ўзини баҳолаш бўйича назорат варақасига асосан ўқувчининг даражасини аниқлаш	Нутқий хатти-ҳаракат асосида ўқувчининг даражасини аниқлаш

0	Таассурот-баҳо	Йўналтирилган мулоҳаза
1	Умумий баҳо	Таҳлилий баҳо
2	Сериявий баҳо	Тоифаланган баҳо
3	Ташқи баҳо	Ўз-ўзини баҳолаш

9.3.1 Ўзлаштириш баҳоси / Билиш баҳоси

Ўзлаштириш баҳоси – муайян вазифаларни бажариш баҳоси, ўргатилган нарсанинг баҳоси. Шу боис, у ҳафта/семестр давомидаги фаолиятга, дарсликка, ўқитиш курси дастурига боғлиқ бўлади.

Билиш баҳоси – тилдан амалда фойдалана олиш кўнкимасига кўйиладиган баҳодир.

Ўқитувчилар орасида таълим жараёнига муносабат сифатида ўзлаштириш баҳосидан фойдаланишга қизиқиш кўпроқ учрайди. Иш берувчилар, таълим соҳаси маъмурлари ва катта ёшдаги ўқувчилар эса билишни баҳолашдан – инсон нималарни бажара олишни ўрганганининг баҳосини билишдан манфаатдорлар. Ўзлаштириш баҳоси ўқувчининг тажрибасига яқинлиги билан афзал бўлса, билиш баҳоси эса ҳар кимга нимага эриша олганлигини кўрсатиб бериши билан ажралиб туради.

Коммуникация бўйича тестда ўзлаштириш билан билиш ўртасидаги фарқ имкон қадар кам бўлиши керак.

Тил ўрганиш жараёнининг самарадорлиги нуқтаи назаридан ўзлаштиришни текширишнинг муҳимлиги 6-бобда таҳлил қилинган.

9.3.2 Меъёрлар билан нисбати (МРН)/ Мезонлар билан нисбат (МНН)

Меъёрлар билан нисбат – ўқувчиларнинг ўзлаштириш бўйича дифференцияланашидир.

Мезонлар билан нисбат, меъёрлар билан нисбатдан фарқли равишда ўқувчининг айнан мана шу фан бўйича қобилиятларини синфдошларининг ютуқлари билан солиштирмасдан баҳолашдир.

Меъёрлар билан нисбат бутун синфга (сен 18-ўриндасан), демографик гуруҳга (сен 21,567-сан, сен энг яхши 14% га кирасан) ёки тест топшираётган ўқувчилар гуруҳига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Мезонлар билан нисбат билиш спектрини (вертикал) ва бир қатор тегишли соҳаларни (горизонтал) тест натижалари барча мезонларга мос тарзда баҳоланиши мумкин бўлган ҳолда бирлаштиришни назарда тутлади. У

ўз ичига қуйидагиларни олади: (а) муайян тест/модул қамраб олган тегишли соҳа(соҳалар)ни белгилашни; (б) “ўтказиб юборилган бандларни” идентификация қилиш: тест натижасида тўпланган очколар билишнинг қабул қилинган стандартга мосликни белгилаш учун зарур.

9.3.3. Билиш баҳоси, мезонлар билан нисбат/мезонлар билан нисбатли спектр-баҳо

Мезоний нисбатли билиш баҳоси – шундай ёндашувки, унда битта “минимал компетенция стандарти” ёки “ўтказиб юборилган банд” аниқ мақсадга эришиш сифатини эътиборга олмасдан, ўқувчиларни “биладиганлар” ва “билмайдиганлар”га ажратишга йўналтирилган бўлади.

Мезоний нисбатли спектр-баҳо – шундай ёндашувки, унда берилган вазифани бажариш учун белгиланган қобилиятларнинг барча даражалари инobatга олинган ҳолда ўқувчининг индивидуал қобилиятлари аниқланади.

Амалда мезонлар билан нисбатланган кўплаб ёндашувлардан фойдаланилади, аммо уларнинг аксариятини “тилни билиш” ёки “спектр” номлари остида бирлаштириш мумкин. Мезонлар билан нисбатан фақат билишни баҳолашнинг киритилиши кўплаб тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Билиш баҳоси – курс/модул мазмуни билан боғлиқ бўлган ўзлаштириш баҳосидир.

Ҳар бир тест натижаларини билиш даражасининг тегишли спектри билан солиштириш мезонлар билан нисбатланган билиш баҳосига муқобил ҳисобланади. Бундай ёндашувда спектр тест натижалари аҳамиятга эгаллигини билдирувчи “мезон” ташқи реаллик ҳисобланади.

“Компетенциялар”дан ҳар икки ҳолатда ҳам фойдаланиш мумкин. Спектр-ёндашувда қўлланиладиган даражалар шкаласи умумқабул қилинган даражалар тизими билан мос келади.

9.3.4 Оралиқ баҳо/Яқуний баҳо

Оралиқ баҳо – ўқитиш курси давомида ўқитувчи томонидан, агар имкони бўлса, ўқувчи томонидан ҳам, синфда бажариладиган ишнинг, вазифа ва лойиҳаларнинг баҳосидир. Шундай қилиб, қўйилган яқуний баҳо бутун курс/йил/семестр давомида бажарилган ишни акс эттиради.

Яқуний баҳо маълум бир кунда, одатда, курс яқунида ёки янги курс бошланиши олдида ўтказиладиган имтиҳон ёхуд бошқа бир назорат тури натижалари асосида қўйилади. Бунда олдинги баҳолар инobatга олинмайди. Эътибор ўқувчи ўрганилаётган тилда нималарни бажара олишига қаратилади.

Ҳар икки ёндашувнинг ҳам ўз афзаллик ва камчиликлари мавжуд. Якуний баҳо ўқувчилар, масалан, икки йил олдин ўтилган материаллар асосидаги вазифани бажара олишларини тасдиқлайди. Аммо у айрим ўқувчиларни жароҳатласа, бошқалари учун фойдалидир. Оралиқ баҳода ўқувчининг ижодий ва бошқа интилишлари кўпроқ эътиборга олинади, аммо аксарият ҳолларда ўқитувчининг объективлигига боғлиқ бўлади. Керагидан ортиқ қўлланилса, у ўқувчилар ҳаётини тестлардан иборат қилиб қўйиши, ўқитувчи учун эса қоғозбозликка айланиб кетиши мумкин.

Оралиқ баҳо учун ўқувчиларнинг коммуникация фаолияти борасидаги қобилиятларини акс эттирувчи назорат варақали қўлланилиши мумкин (4-боб). Компетенциянинг турли таркибий қисмлари учун ишлаб чиқилган баҳолаш шкалалари (5-боб) якуний баҳолашда баҳо қўйиш учун ишлатилиши мумкин.

9.3.5 Формат баҳо/Жами баҳо

Формат баҳо – ўқувчи томонидан тилнинг ўрганилиши, унинг кучли ва кучсиз томонлари ҳақида доимий равишда маълумот тўплаш жараёнидир. Ўқитувчи бу маълумотлардан курснинг келгуси режасини ишлаб чиқишда, шунингдек, ўқувчилар билан улар эришган натижаларни муҳокама қилиш чоғида фойдаланиши мумкин. Форматив баҳо тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода талқин қилинади ва миқдор жиҳатидан ўлчаб бўлмайдиган, анкета сўровномаси пайтида олинган маълумотларни ўз ичига олади.

Жами баҳо курс якунида қўйилади. У албатта билиш даражаси баҳоси бўлиши шарт эмас. Амалда жами назоратнинг катта қисми ўз ичига ўзлаштириш бўйича баҳо, якуний баҳо ва материални ўзлаштириш баҳоси элементларини олади.

Форматив баҳонинг кучли томони шундаки, унинг мақсади ўқув жараёни сифатини оширишдан иборат. Кучсиз жиҳати эса қайта алоқа характерида намоён бўлади. Фақат қуйидаги ҳолатлардагина қайта алоқа аҳамиятга эга бўлади: реципиент (а) маълумот тақдим этиш шакли билан таниш, эътиборли ва манфаатдор бўлса; (б) маълумотни ола билса, яъни у маълумотни олиш, тизимлаштириш, қисмларга ажратиш имкониятига эга бўлса; (в) талқин эта олса, яъни унда гап нима ҳақда бораётганини англаш учун етарли билим ва тилга оид сезгирлик бўлса; (г) маълумотни интеграциялай олса, яъни унда янги маълумотларни мулоҳаза қилиб кўриш, яхлит ҳолга келтириш ва ёдда сақлаб қолиш учун зарур қобилиятлар бўлса.

Даражалар тизими кўпроқ жами баҳо учун мос келади. Аммо DIALANG лойиҳасининг кўрсатишича, қайта алоқа ҳатто жами баҳода аниқлаштирувчи, демакки, оқибатда форматив бўлиши мумкин экан.

9.3.6 Бевосита баҳо/Билвосита баҳо

Бевосита баҳо – ўқувчи бевосита шуғулланадиган нарсага қўйиладиган баҳодир. Масалан, кичик гуруҳ бирор масалани муҳокама этаётганида баҳоловчи уларни кузатади, жадвал билан солиштиради, ҳаракатларни тегишли тоифалар билан солиштириб баҳо беради.

*Билвосита баҳо*да одатда, ёзма тест қўланилиб, унинг ёрдамида мулоқот жараёнини таъминловчи кўникмалар назорат қилинади.

Бевосита баҳо, асосан, сўзлаш, ёзув ва тинглаш билан чекланади. Бевосита баҳонинг классик тести – интервью, билвосита баҳода эса – мазмунни тиклаш бўйича тест.

5-бобда келтирилган ҳар хил даражадаги компетенцияларнинг турли жиҳатларини белгилаб берувчи дескрипторлар бевосита баҳо учун тестларнинг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. 4-боб параметрлари эса маҳсулдорлик кўникмаларини баҳолаш мақсадида ўтказиладиган бевосита баҳолаш тестлари учун мавзу, матн ва тест топшириқларини ҳамда тинглаш ва ўқиш бўйича билвосита баҳолаш тестларини тақдим этади. 5-боб параметрлари тилга оид билимларни билвосита баҳолаш учун тестларга киритилиши мумкин бўлган муҳим лингвистик компетенцияларни ҳам белгилаб беради.

9.3.7 Нутқий хатти-ҳаракатни баҳолаш/Лингвистик компетенция (билимлар)ни баҳолаш

Нутқий хатти-ҳаракатни баҳолашда ўқувчидан тилдан оғзаки ва ёзма шаклда бевосита фойдалана олиш кўникмаларини намоёни этиш талаб қилинади.

Лингвистик компетенция(билим)ларни баҳолашда ўқувчидан унинг лингвистик билимларини ва ушбу билимлардан фойдалана олиш кўникмаларини аниқлаш мақсадида бериладиган турли мавзуларга оид саволларга жавоб қайтариш талаб қилинади.

Афсуски, тест ёрдамида компетенцияларни бевосита текшириб бўлмайди. Текшириш мумкин бўлган ягона нарса – тил билишнинг умумий характеристикасини тузиш имконини берадиган нутқий хатти-ҳаракатнинг бир қатор кўрсаткичларидир. Тил билишни ҳаракатдаги (амалдаги) компетенция сифатида қараш мумкин. Шу маънода, гарчи натижалари бўйича компетенциялар тўғрисида ҳуоса чиқариш мумкин бўлса-да, барча тестлар фақат нутқий хатти-ҳаракатни текширади.

Аммо, интервьюда “нутқий хатти-ҳаракат” гапдаги бўш қолдирилган нуқталар ўрнини тўлдиришдан кўра кўпроқ зарур бўлса, ўз навбатида,

гаптаги бўш қолдирилган нуқталар ўрнини тўлдиришда “нутқий хатти-ҳаракат” кўпликадаги танловга асосланган тестдан кўра кўпроқ керак бўлади.

Шу маънода “нутқий хатти-ҳаракат” тилдан сермахсул фойдаланишни англатади. Тор маънода эса ушбу жумла “нутқий хатти-ҳаракат тести” деган маънони билдиради. Айрим тестларда нутқий хатти-ҳаракатнинг баҳоланиши тилни билишнинг тизим сифатида баҳоси билан тенглаштирилса, бошқаларида бундай йўл тутилмайди.

Ушбу фарқ бевосита ва билвосита тестлар ўртасидаги фарқ билан ўхшашдир. Мазкур ҳолатда “Компетенциялар” худди ўша тарзда қўлланилиши мумкин.

9.3.8 Субъектив баҳо/Объектив баҳо

Субъектив баҳо – баҳоловчининг ўқувчи нутқий хатти-ҳаракати тўғрисидаги мулоҳазасидир.

Объектив баҳо – субъективлик йўқотиладиган баҳодир. Бунда одатда, билвосита баҳо тести, масалан, таклиф этилаётган кўплаб вариантлардан танлов тестлари тушунилади.

Аммо объективлик/субъективлик анчайин мураккаб масала ҳисобланади.

Билвосита баҳо тести, одатда, “объектив тест” ҳисобланади. Бунда имтиҳон олувчи тегишли калитларга эга бўлади, жавобни тўғри ёки нотўғри деб топиш ҳақида қарор қабул қилади, сўнгра тўғри жавобларни ҳисоблаб чиқиб, натижани чиқаради.

Бевосита баҳо тестларида эса натижа, одатда, умумий хулоса асосида чиқарилади. Бунинг маъноси шуки, ўқувчи қанчалик яхши жавоб берганлиги субъектив равишда мавжуд омилларни эътиборга олади ҳамда йўриқнома, мезон ва тажрибага таянади.

Кўпинча тестда нима текширилаётганини аниқлаш мушкул бўлади. Шунга қарамай, тест саволларининг компетенциялар ёки нутқий хатти-ҳаракатнинг айрим жиҳатларини текширишга йўналтирилганлиги биз ўйлагандек тўғри бўлмайди.

Аммо баҳо имкон қадар объектив бўлиши зарур. Шахсий баҳолаш мулоҳазаларининг субъектив қарорларга таъсири минимал даражада бўлиши керак, бу айниқса, гап жами баҳо ҳақида кетганда жуда муҳим. Чунки кўпинча тест натижалари учинчи шахслар томонидан тест топширувчиларнинг келажагини белгилаш мақсадида ишлатилади.

Қуйида санаб ўтилган тавсияларни босқичма-босқич бажариш орқали баҳонинг субъективлигини камайтириш ҳамда тестнинг валидлиги ва ишончилигини ошириш мумкин:

- баҳолаш материали *мазмунининг таснифи*ни ишлаб чиқиш;
- материални танлаш ва/ёки баҳолашда *биргаликдаги қарорлар*дан фойдаланиш;
- баҳолашнинг *стандарт шакл ва усуллари*дан фойдаланиш;
- билвосита тестлар учун *ягона жавоб-калитлар*ни тақдим этиш ва бевосита тестларни баҳолашда ўз қарорларини *ўрнатилган аниқ мезонлар* билан асослаш;
- *мулоҳазалар чиқариш* ва *турли хил омилларни ҳисобга олишнинг кўп карралигини* талаб қилиш;
- *баҳолаш асослари* бўйича тегишли билмларни ўзлаштириш;
- *баҳолаш материали таҳлили ёрдамида* баҳолаш жараёни сифатини (валидлик, сифат) текшириш.

9.3.9 Даражалар шкаласи асосида ўқувчининг даражасини аниқлаш/Назорат варақаси ёрдамида ўқувчининг даражасини аниқлаш

Даражалар шкаласи асосида ўқувчининг даражасини аниқлаш – даражаларнинг кетма-кет тизими бўйича ўқувчининг даражасини аниқлаш билан боғлиқ бўлган баҳо.

Назорат варақаси ёрдамида ўқувчининг даражасини аниқлаш – мазкур даража ёки модул учун эҳтимолий равишда аҳамиятли бўлган назорат варақаси бандлари асосида индивидни баҳолаш.

Даражалар шкаласи асосида ўқувчининг даражасини аниқлашда ўқувчининг даражалар тўпламига нисбатан тутган ўрнини аниқлашга эътибор қаратилади. Мазкур урғу вертикал кўринишга эга бўлади: у даражалар шкаласида қанчалик юқорига кўтарила олган? Ҳар бир даражанинг моҳияти дескрипторлар ёрдамида очиқ берилади. Турли тоифалар учун бир нечта шкалалар мавжуд бўлиши ҳамда улар жадвал шаклида битта саҳифада, ёхуд ҳар хил саҳифаларда берилиши мумкин. Таъриф ҳар бир даражага, ҳар иккинчи даражага, ёки юқоридаги, пастки, ўртадаги даражага берилиши мумкин. Назорат варақаси даражаларга муқобил ҳисобланиб, унинг мақсади ўқувчи томонидан материалнинг қайси қисми ўзлаштирилганлигини кўрсатиб бериш, бошқача айтганда, урғу горизонтал: модул материалининг қайси қисми муваффақиятли ўзлаштириб бўлинди? Назорат варақаси анкета кўринишида – бир қанча саволлардан иборат бўлиши мумкин. Баъзида у айлана шаклидаги диаграмма ёки бошқача

кўринишда ҳам бўлади. Жавоблар эса “Ҳа” ёки “Йўқ” тарзида бўлади. Баъзида кенгроқ, кўп босқичли жавоблар (масалан, 0 – 4) қўлланилиши мумкин.

9.3.10 Таассурот баҳо/Йўналтирилган мулоҳаза

Таассурот-баҳо – тўлиқ субъектив мулоҳаза бўлиб, ўқувчининг дарс машғулотларидаги нутқий фаолияти асосида баҳонинг муайян турига хос мезонларни ҳисобга олмасдан чиқарилади.

Йўналтирилган мулоҳаза – мазкур мулоҳазада субъективлик таассурот ўз субъектив фикрини муайян мезонлар асосида онгли равишда баҳолаш ҳисобига камайтирилади.

Мазкур контекстда таассурот-баҳо ўқитувчи ёки ўқувчи фақатгина уй вазифасини бажариш жараёнидаги нутқий фаолият тажрибасига таянишини назарда тутди. Айниқса, оралиқ баҳони қўйишда ўқитувчи ўз ўқувчисининг маълум вақт оралиғидаги ютуқларини эслаш ҳисобига баҳо чиқаради. Мактаб тизимларининг аксарияти мана шу принцип асосида иш юритади.

“Йўналтирилган мулоҳаза” атамаси бу ўринда таассуротлар ўйланган хулосаларга айланиши юз берадиган вазиятнинг баёни сифатида берилган. Бундай ёндашув қуйидагиларни назарда тутди: (а) баҳоланишнинг бирор-бир амалиётини; (б) баҳо қўйишнинг бир нечта маълум мезонларини; (в) баҳоланишга ўргатишнинг бирор-бир стандарт шаклини. Мазкур ёндашувнинг афзаллиги шундаки, ўқитувчилар гуруҳи томонидан баҳонинг ягона мезонлари қўлланилиши баҳо қўйишнинг мантиқийлигини кескин оширади.

Даражаларнинг умумқабул қилинган дескрипторлари шкаллари юқоридаги (б) бандда тилга олиб ўтилган муайян мезонларни тақдим этиш мақсадида ёки умумқабул қилинган даражалар терминларида мазкур мезонлар билан белгиланган стандартларни мувофиқлаштириш учун қўллинилиши мумкин. .

9.3.11 Умумий баҳо/Таҳлилий баҳо

Умумий баҳо – глобал умумлаштирувчи мулоҳазанинг чиқарилишидир. Имтиҳон олувчи турли жиҳатларни интуициясига таяниб баҳолайди.

*Таҳлилий баҳо*да ҳар бир жиҳат алоҳида кўриб чиқилади.

Мазкур фарқларни кўрсатиб берувчи иккита усул мавжуд, булар: (а) кўзланган мақсаддан келиб чиқиб; (б) баҳо қўйиш усулидан келиб чиқиб.

А) Нимани баҳоланиш. Айрим ёндашувларда “сўзлаш” ёки “ўзаро муносабат” сингари глобал тоифалар баҳоланади, бунда ягона баҳо ёки балл қўйилади. Бошқаларида, айниқса, таҳлилий ёндашувда ўқитувчидан ҳар бир

жихатни алоҳида баҳолаш талаб этилади. Таҳлилий ёндашув алоҳида тоифаларининг афзалиги шундаки, улар ўқитувчини диққат билан кузатишга ундайди. Камчилик сифатида эса ўқитувчининг 4-5 ёки ундан ортиқ тоифалар билан ишлаганда, ахборотнинг ортиқчалиги боис босим остида қолиши мумкинлигини айтиб ўтиш мумкин.

Б) Натижаларни ҳисоблаш: айрим ёндашувларда умумлаштириш йўли билан вазифани бажариш сифати баҳолаш шкаласи дескрипторлари билан, ушбу шкала умумий (ягона глобал шкала) ёки таҳлилий (жадвалда 3-бта тоифа бўлган) эканлигидан қатъи назар, мувофиқлаштирилади. Бундай ёндашувларда арифметик ҳисоблашлар бўлмайди. Бошқаларида, кўпроқ таҳлилий ёндашувда, ҳар бир банд бўйича алоҳида баҳо қўйиб, кейин натижаларни қўшиш йўли билан умумий балл чиқарилади ва у баҳога айлантирилади.

3-бобнинг 2 ва 3-жадвалларида таҳлилий ва умумий турдаги ўз-ўзини баҳолаш ва имтиҳон баҳоси мисоллари келтирилган.

9.3.12 Сериявий баҳо/Тоифаланган баҳо

Тоифаланган баҳо битта баҳолаш вазифаси бажарилганидан кейин (9.2.1 бўлимда баён этилганидек, дискурснинг ҳар хил турларига йўналтирилган бир неча фазадан иборат бўлиши мумкин), баҳо жадвалида берилган (9.3.11 бўлимда кўриб чиқилган таҳлилий ёндашув) тоифалар асосида нутқий фаолият баҳоланади.

Сериявий баҳо алоҳида олинган баҳолаш вазифалари серияси (бошқа ўқувчилар ёки ўқитувчи иштирокидаги ролли ўйинлар)дан иборат бўлиб, у шкала бўйича оддий умумий тарзда – 0–3 , ёки 1–4 шаклида баҳоланади.

Сериявий баҳо тоифаланган баҳони чиқаришга ёрдам беради, чунки битта тоифанинг натижаси бошқасининг натижаларига ҳам таъсир кўрсатади. Коммуникация компетенциясининг турли тоифалари учун шкалалар тоифаланган баҳо мезонларини ишлаб чиқиш учун материал тақдим этади. Баҳоловчилар мезонларнинг оз миқдоридан фойдалана олишлари мумкинлиги сабаб баҳолаш жараёнида келишилган ечимни излаб топиш зарур бўлади. Коммуникация фаолияти асосий турларининг 4.4-бўлимда берилган таърифи ҳамда функционал компетенциянинг ҳар хил турларининг 5.1.3.2-бўлимдаги рўйхати сериявий баҳо учун мос келадиган вазифаларни ишлаб чиқишда маълумотнома материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

9.3.13 Ташқи баҳо/Ўз-ўзини баҳолаш

Ташқи баҳо – ўқитувчи ёки имтиҳон олувчи қўядиган баҳо.

Ўз-ўзини баҳолаш – ўқувчининг ўрганаётган тилини билиш даражасига ўзи қўядиган баҳо.

Ўқувчи юқорида баён этилган исталган баҳо услубидан фойдаланиши мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар баҳо “ҳаёт учун муҳим” аҳамиятга эга бўлмаса (масалан, ўқишга қабул қилишга таъсир кўрсатмаса), ўз-ўзини баҳолашдан тестлар ва ўқитувчи баҳоларига тўлдирувчи сифатида бемалол фойдаланиш мумкин. Қуйидагилар ҳисобига ўз-ўзига баҳонинг тўғрилиги ортади: (а) у тил билиш стандартларини белгилаб берувчи дескрипторларга таянса; (б) баҳо муайян тажриба билан боғлиқ бўлса. Ҳатто тест ҳам ана шундай тажриба бўлиши мумкин. Ўқувчилар ўз-ўзини баҳолашга ўргатиб борилиши ҳам баҳонинг аниқ ва тўғри бўлишида муҳим рол ўйнайди.

Қуйидаги саволларни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

Юқорида санаб ўтилган баҳо турларидан қайси бири:

- *аниқ бир гуруҳ ўқувчиларининг эҳтиёжларига кўпроқ жавоб беради;*
- *аниқ бир педагогик тизимга кўпроқ мос келади;*
- *ўқитувчи фаолиятини такомиллаштириш учун кўпроқ самарали ҳисобланади?*

Мазкур тизимда ўқувчи томонидан аниқ бир вазифани бажарганлик учун(мактаб таълими доирасида) қўйиладиган баҳо билан унинг нутқий фаолияти (реал ҳаётий вазиятларда натижага эришишга йўналтирилган) баҳоси қанчалик мувофиқлаштирилган, ҳамда коммуникация ва тил кўникмалари қанчалик яхши баҳоланмоқда:

• *муайян стандарт ва мезонлар асосида ўқитиш натижалари қанчалик яхши баҳоланмоқда, баҳо ва баллар ўқувчи эришган даражага қанчалик мос келади?*

Ўқитувчилар қай даражада?

- *мавжуд стандартлардан хабардор (масалан, умумқабул қилинган дескрипторлардан, вазифаларни бажариш намуналаридан);*
- *баҳонинг мавжуд метатиллари билан танишишида қўллаб-қувватланади;*
- *баҳо услубларига ўргатилмоқда.*

Ўқувчилар ишини бутун ўқув курси давомида оралиқ баҳолаш ва меъёр ҳамда мезонлар асосида якуний баҳолашда интеграцияланган ёндашув қанчалик зарур?

• *Ўқувчиларни умумқабул қилинган дескрипторлар асосида-ўз ўзини баҳолашга жалб этиш қанчалик зарур ва имконли, ҳамда серияли баҳолашда ушбу дескрипторлар қанчалик самара беради?*

• *“Компетенциялар”да берилган таснифлар ва шкалалар контекстлар билан қай даражада нисбатга эга ҳамда уларни тўлдирши ва келгусида қайта ишлаб чиқиши йўллари мавжудми?*

Ўз-ўзини баҳолаш ва баҳолаш жадвалларининг имтиҳон версиялари 3-бобнинг 2- ва 3-жадвалларида берилган. Уларнинг мен бажара оламан ёки бажара оламан каби ташқи тавсифларидан ташқари, улар ўртасидаги сезиларли фарқни 2-жадвалда асосий эътибор коммуникация фаолияти

турларига қаратилгани, 3-жадвалда эса компетенциянинг сўзлашдаги нутқий кўринишда кўзга ташланадиган характерли жиҳатлари ажратиб кўрсатилиши ташкил қилади.

9.4 Эҳтимолий баҳолар ва метатизим

4- ва 5-бобларда келтирилган шкалалар 4- ва 5-боблар матнларида анча батафсил баён этилган тоифаларга нисбатан соддалаштирилганлиги билан ажралиб туради. Амалиётда барча шкалалардан ҳамма даражаларда фойдаланишга зарурат йўқ. Ўқитувчиларга бир вақтнинг ўзида барча шкалалар билан ишлаш қийинчилик туғдиради. Шкалалар тўпламидан маълумот материали сифатида фойдаланган маъқул.

Қандай ёндашув қабул қилинмасин, ҳар қандай амалий тизимда эҳтимолий тоифалар имкон қадар қисқартирилиши керак. Тажрибаларнинг кўрсатишича, тўрт-бешта тоифада когнитив босим юзага келади, еттига тоифа эса руҳий чегаранинг юқори нуқтасидир. Оғзаки баҳога нисбатан мулоқот стратегиялари коммуникациянинг муҳим сифат жиҳатлари тарзида қараладиган бўлса, шкалаларнинг тасвирий тизими оғзаки баҳо учун муҳим бўлган 12та сифат тоифасини ўз ичига олади, булар:

диалог олиб бориш стратегияси;

ҳамкорлик стратегияси;

тушунтиришни сўраш;

равонлик;

ўзгарувчанлик;

мазмунан боғланганлик;

мавзуни ривожлантириш;

аниқлик;

ижтимоий-лингвистик компетенция;

оғзаки нутқнинг умумий диапазони;

лугат ҳажми;

грамматик тўғрилиқ;

лугатни онгли танлаш;

фонетик кўникмалар назорати.

Мазкур тоифаларнинг кўпчилиги умумий назорат варақасига киритилиши мумкин бўлса-да, 12та тоифа ҳар қандай нутқий фаолиятни баҳолаш учун жуда кўплик қилади. Шундай қилиб, амалда тоифаларнинг бундай рўйхати танлаб ёндашишни талаб қилади. Вазиятдан келиб чиқиб, тоифаларни бирлаштириш, қайта номлаш, сонини камайтириш мумкин.

Қуйидаги тўртта мисол ушбу вазифани ҳал қилишнинг эхтимоллий йўллари акс эттиради. Дастлабки учтасида баҳога мавжуд ёндашувларда даражалар тоифалари тестлар мезонлари билан қай тарзда боғланишини қисқача тасвирлаб беради. Тўртинчи мисол эса “Компетенциялар” шкаллари дескрипторлари қандай қилиб яхлит ҳолга келтирилганлиги ва муайян мақсад ҳамда маълум бир вазият учун мос келадиган баҳолаш жадвалини ишлаб чиқиш учун қайта баён этилганини акс эттиради.

1-мисол:

Кембриж имтиҳони. Инглиз тилини ривожланган даражада билиш.

Тест мезонлари	Тасвирий шкаллалар	Бошқа тоифалар
Нутқнинг равонлиги	Нутқнинг равонлиги	
Тўғрилиқ ва ҳажм	Умумий диапазон. Луғат захираси. Грамматик тўғрилиқ. Луғатни онгли танлаш.	
Талаффуз	Фонологик назорат	
Вазифанинг бажарилиши	Мазмунан боғланганлик. Ижтимоий-лингвистик параметрларга мослик.	Вазифани муваффақиятли бажариш. Сухбатдошнинг қўллаб-қувватлаши зарурлиги.
Ўзаро муносабат	Мулоқот олиб бориш стратегияси. Ҳамкорлик стратегияси. Мавзуни ривожлантириш.	Мулоқотнинг энгиллик даражаси

Бошқа тоифалар учун изох: Тасвирий шкаллаларда вазифани бажаришнинг муваффақиятлилиги ҳақидаги қоидалар фаолият турларига мос равишда *Коммуникация фаолияти* бўлимига жойлаштирилган. Мазкур шкаллаларда *Мулоқотнинг осонлик даражаси* *Нутқнинг равонлиги* бўлимига киритилган. *Сухбатдошнинг қўллаб-қувватлаши зарурлиги* мезонига асосан дескрипторларни ишлаб чиқишга уриниш муваффақият қозонмади.

2-мисол:

Сертификатлаш бўйича Халқаро конференция (СХК) – ишбилармонлар учун инглиз тили сертификати, 2-тест «Иш юзасидан мулоқот» (1987)

Тест мезонлари	Тасвирий шкаллалар	Бошқа тоифалар
1-шкала (номсиз)	Ижтимоий-лингвистик параметрларга мослик. Грамматик тўғрилиқ. Луғатни онгли танлаш.	Вазифани муваффақиятли бажариш
2-шкала (бошланғич нутқ формулаларидан фойдаланиш ва диалогни давом эттириш)	Мулоқот олиб бориш стратегияси. Ҳамкорлик стратегияси. Ижтимоий-лингвистик параметрларга мослик.	

3-мисол:

Евромарказ – кичик гуруҳларда ўзаро муносабатни баҳолаш (RADIO)
(1987)

Тест мезонлари	Иловадаги шкалалар	Бошқа тоифалар
Умумий диапазон	Умумий диапазон. Луғат ҳажми.	
Грамматик тўғрилиқ	Грамматик тўғрилиқ. Луғатни онгли танлаш. Ижтимоий-лингвистик параметрларга мослик.	
Тақдим этиш усули	Нутқнинг раволиги. Фонологик назорат.	
Ўзаро муносабат	Мулоқот олиб бориш стратегияси. Ҳамкорлик стратегияси.	

4-мисол:

Тадқиқотлар бўйича Швейцария миллий кенгаши: видеоматериаллар асосида нутқий фаолиятга баҳо бериш.

Контекст: Иловада келтирилган дескрипторлар Швейцария лойиҳасида ишлаб чиқилган. Лойиҳа якунида иштирокчи-ўқитувчилар натижаларни тақдим этиш ва Швейцарияда Европа тил портфели билан ишлашни бошлаш учун конференцияга таклиф этилдилар. Конференцияда кўйидагилар муҳокама этилди (а) оралик баҳо ва ўз-ўзини баҳолаш бўйича назорат варақалари материалларини даражаларнинг умумқабул қилинган тизими билан боғлаш; (б) турли хил баҳолар учун дескрипторлардан фойдаланиш усуллари. Жумладан, 3-бобда берилган 3-баҳолаш жадвали асосида ўқувчиларнинг иши видеоёзувда баҳоланди. Қуйида дескрипторларнинг таҳрир қилинган йиғма тўплами берилган.

Тест мезонлари	Иловадаги шкалалар	Бошқа тоифалар
Умумий диапазон	Умумий диапазон. Луғат ҳажми.	
Грамматик аниқлик	Грамматик тўғрилиқ. Луғатни онгли танлаш.	
Нутқнинг раволиги	Нутқнинг раволиги	
Ўзаро муносабат	Диалогнинг умумий параметрлари, диалог олиб бориш стратегияси. Ҳамкорлик стратегияси.	
Мазмунан боғланганлик	Мазмунан боғланганлик	

Таълим тизимидан, ўқув вазиятидан ва ўқувчилар гуруҳининг таркибидан келиб чиқиб, мазкур тоифалар баҳонинг ҳар хил турлари учун

танланади, соддалаштирилади, мослаштирилади. 12та тоифадан иборат мазкур рўйхат гарчи узун бўлса-да, барча жиҳатларни қамраб ололмайди, шу боис кенгайтирилиши зарур.

Қуйидаги саволларни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

- У ёки бу таълим тизимининг амалий ёндашувига мос келиши учун назарий тоифалар қандай қилиб соддалаштирилиши мумкин?*
- У ёки бу тизимда қўлланиладиган баҳо мезонларининг асосий омиллари 5-бобда қай даражада келтириб ўтилган ва Иловадаги шкалаларнинг тузилишига асос бўлган тоифалар рўйхатига киритилиши мумкинми?*

Давоми келгуси сонда.

Наргис Қосимова таржимаси.